

**ЎЗБЕКИСТОН ХАЛҚАРО ИСЛОМ АКАДЕМИЯСИ
ХУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
DSc.35/30.12.2019.IsI/Tar/F.57.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ
АСОСИДАГИ БИР МАРТАЛИК КЕНГАШ**

ЎЗБЕКИСТОН ХАЛҚАРО ИСЛОМ АКАДЕМИЯСИ

МУЛЛАСАДИКОВА НИГОРА МУРАМАНОВНА

**ҚУРЪОНДА “МАЪОНИЙ ИЛМИ”НИНГ ЛИНГВОПОЭТИК
АСОСЛАРИ**

24.00.04 – Мумтоз шарқ адабиёти ва манбашунослиги

**ФИЛОЛОГИЯ ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

Тошкент – 2020

**Филология фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси
автореферати мундарижаси**

**Оглавление автореферата
доктора философии (PhD) по филологическим наукам**

**Contents of Abstract of the
Doctor of Philosophy (PhD) Dissertation on Philological Sciences**

Муллаسادикова Нигора Мурамановна

Қуръонда “маъоний илми”нинг лингвопоэтик асослари3

Муллаسادикова Нигора Мурамановна

Лингвопоэтические основы “ilmu-l-ma‘āniy” (наука о смыслах) в

Коране..... 21

Mullasadikova Nigora Muramanovna

Linguopoetic foundations of “ilmu-l-ma‘āniy” (the science of meanings) in the

Qur'an.....41

Эълон қилинган ишлар рўйхати

Список опубликованных работ

List of published works44

**ЎЗБЕКИСТОН ХАЛҚАРО ИСЛОМ АКАДЕМИЯСИ
ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
DSc.35/30.12.2019.IsI/Tar/F.57.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ
АСОСИДАГИ БИР МАРТАЛИК КЕНГАШ**

ЎЗБЕКИСТОН ХАЛҚАРО ИСЛОМ АКАДЕМИЯСИ

МУЛЛАСАДИКОВА НИГОРА МУРАМАНОВНА

**ҚУРЪОНДА “МАЪОНИЙ ИЛМИ”НИНГ ЛИНГВОПОЭТИК
АСОСЛАРИ**

24.00.04 – Мумтоз шарқ адабиёти ва манбашунослиги

**ФИЛОЛОГИЯ ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

Тошкент – 2020

Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида В2019.3.PhD/Fil1021 рақам ёрғида рўйхатга олинган.

Диссертация Ўзбекистон халқаро ислом академиясида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус, инглиз (резюме)) Илмий кенгашнинг веб-саҳифаси (www.iiaw.uz) ҳамда “ZiyoNET” ахборот-таълим портали (www.ziyounet.uz) манзилларига жойлаштирилган.

Илмий раҳбар:	Тўйчиева Гулҳумор Умматалиевна филология фанлари доктори
Расмий оппонентлар:	Имомназаров Муҳаммаджон филология фанлари доктори, профессор Рустамий Салимаҳон Алийбег қизи филология фанлари доктори
Етакчи ташкилот:	Алишер Навоий номидаги давлат адабиёт музейи

Диссертация ҳимояси Ўзбекистон халқаро ислом академияси ҳузуридаги илмий даражалар берувчи DSc.35/30.12.2019.IsI/Tag/F.57.01 рақамли Илмий кенгашнинг 2020 йил “__” _____ соат __ да БИММ платформасидаги онлайн мажлисида бўлиб ўтади (Манзил: 100011, Тошкент шаҳри, А.Қодирий кўчаси, 11-уй. Тел.: (99871) 2440056; факс: (99871) 2440065; e-mail: info@iiaw.uz).

Диссертация билан Ўзбекистон халқаро ислом академиясининг Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (__ рақам билан рўйхатга олинган). (Манзил: 100011, Тошкент шаҳри, А.Қодирий кўчаси, 11-уй. Тел.: (99871) 2440056; факс: (99871) 2440065; e-mail: info@iiaw.uz).

Диссертация автореферати 2020 йил “__” _____ да тарқатилди.
(2020 йил “__” _____ даги __ рақамли реестр баённомаси).

Ш.А.Ёвқочев

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш раиси, сиёсий фанлар доктори, профессор

Н.А.Мухамедов

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш илмий котиби, тарих фанлари доктори, доцент

З.М.Исломов

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш қошидаги илмий семинар раиси, филология фанлари доктори, профессор

КИРИШ (фалсафа доктори (PhD) диссертацияси аннотацияси)

Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати. XXI асрга келиб, дунё миқёсида ислом цивилизациясининг маънавий ва моддий ёдгорликлари, олимларнинг илмий мероси беқиёс юксаклик белгиси сифатида баҳоланмоқда. Жумладан, “Дунё тарихида илк Шарқ Уйғониш даври – Мусулмон Ренессанси деб ном олган ўрта асрлар ва ундан кейинги замонларда бугунги Ўзбекистон заминидан етишиб чиққан буюк аллома ва мутафаккирларнинг жаҳон илм-фани ва маданияти ривожига қўшган бебаҳо ҳиссаси дунё илмий жамоатчилиги томонидан ҳақли равишда тан олинган”¹. Ислом илмлари сирасида мана шундай аҳамият касб этган соҳалардан бири бу – “маъоний илми” (علم المعاني) саналади. Қуръон тили жозибасини англашга уриниш тил ва нутқ воқелигида каломнинг “xabar”, “inshā”, “musnad”, “musnad ilayhi”, “qaṣr”, “faṣl”, “vaṣl”, “iyjāz”, “itnāb”, “musāva” каби грамматик, лексик, семантик, стилистик, бадий ва эстетик индикаторларини, тилнинг ижтимоий характери, баён усуллари, сўзнинг лингвистик хусусиятлари каби масалаларни ўрганишга олиб келган. Маъоний илми лингвопоэтик қарашлар мажмуи бўлиб, унинг замонавий тилшунослик таснифида тутган ўрнини кўрсатиш долзарбдир.

Жаҳон лингвистикасида тил орқали маънога хизмат қилиш ва сўз орқали ифодаланадиган маънога доир қарашлар шаклланишида турли илмий мактаблар шаклланган, шу жумладан Мусулмон Ренессанси даврида лингвистик назариялар яратилган. Қуръонни адабий манба сифатида таҳлил қилинишига доир тадқиқотлар асосида адаб илми ривожланган. Балоғат илми таркибида бадиъ, баён ва маъоний илми юзага келган. Қуръонни диний манба сифатида ўрганишдан адабий-лингвистик манба сифатида ўрганишга ўтилган. Қуръон морфологияси, синтаксиси ва стилистикаси масалаларининг илмий қўйилиши ва уларнинг оятлар асосида таҳлил қилиниши Туркия, Покистон, Германия, Франция, Голландия, Англия ва Россия олимлари томонидан ёритилган. Шарқ Уйғониш даври олимлари, шу жумладан Мовароуннахр олимлари томонидан маъоний илми қоидалари мустақил илмий йўналиш сифатида ишлаб чиқилди. Қуръонда маъоний илмининг лингвопоэтик асослари, унинг психолингвистик жиҳатлари устида махсус тадқиқотлар олиб борилмаган.

Ўзбекистонда араб морфологияси, грамматикаси, лексик бирликлари, араб адабиёти, матншунослик ва манбашуносликка оид тадқиқотлар олиб борилган. Шунингдек, ўрта асрлар балоғат илмида тилшуносликка оид қарашлар ҳам тадқиқ этилган. Қуръонга боғлиқ ҳолда пайғамбарлар сиймоси, ўзбек адабиётида Қуръон мавзуларининг ишлатилиши, Навоий асарларида оятлар ва ҳадислардан фойдаланиш каби масалалалар ўрганилган. Аммо

¹ Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 23 июндаги ПҚ-3080-сон “Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузурида Ўзбекистон ислом маданияти марказини ташкил қилиш чора-тадбирлари тўғрисида”ги Қарори // <https://lex.uz/docs/3600059>. Яна қаранг: Мирзиёев Ш.М. Миллий тараққиёт йўлимизни қатъият билан давом эттириб, янги босқичга кўтарамиз. – Жилд I. – Тошкент: Ўзбекистон, 2017; Мирзиёев Ш.М. Халқимиз розилиги бизнинг фаолиятимизга берилган энг олий баҳодир. – Жилд II. – Тошкент: Ўзбекистон, 2018; Мирзиёев Ш.М. Билимли авлод – буюк келажагимизнинг, тадбиркор халқ – фаровон ҳаётнинг, дўстона ҳамкорлик эса тараққиётнинг қафолатидир. – Тошкент: Ўзбекистон, 2018.

Табана, Муҳаммад Абдулмуъним Хаффажий, Абдулазиз Шараф, Букри Шайх Амин, Рожий Асмар каби олимлар маъоний илмининг хусусиятларини ўргандилар³.

Ғарб давлатларида ўрта асрларда араб тили масалалари Томас ван Эрпе, Сильвестр де Саси, Франсиско Каньес, Гарсен де Тасси, Арман-Пьер Коссен де Персеваль, Шайх Муҳаммад Тантовий, Август Фердинанд Микаэль ван Мерен, Адольф Вармунд, Мартин Хартманн, Вильгельм Спитта, Уильям Смит, Жон Эдвард Уонсборо, Шарл Пелла, Филип Халден, Жозеф фон Хаммер-Пургшталь каби олимлар томонидан ўрганилди.

Адаб илмларининг манбашунослик-матншунослик жиҳатларига доир фикрлар А.Ҳиндовий, А.Жорим, М.Амин, Ҳ.Авний, С.Соса, Ҳошимий, А.Ҳажжор, А.Матлуб, Ханна ал-Фахури кабилар томонидан билдирилган⁴.

И.Ю.Крачковский балоғат илми тарихи, унинг асосчилари, соҳада IX-XIII асрларда яратилган рисолалар мазмунини ёритиб берган ва Ибн Муътазнинг “Kitābu-l-badī” асарини рус тилига таржима қилган⁵. Б.Я.Шидфар, И.М.Фильштинский, А.Б.Куделин, Д.Фролов каби олимлар араб адабиётининг тарихи, унинг поэтик ва образ тизимини тадқиқ этди⁶. И.Н.Хайбуллин балоғат илмининг қодалари асосида ишланган машқларни рус тилига таржима қилиб, дарслик яратган⁷. Тожикистонлик олим А.Ғафуров балоғат илми асосчиси Абдулқохир Журжоний меросини, У.Ғафарова эса XIV аср араб риторикасини тадқиқ этиб, унинг стилистик жиҳатларини ўрганди⁸.

Ўзбекистонда бир қатор олимлар араб тили грамматикаси тарихи, араб адабиёти тарихи ва унинг тил хусусиятлари, тилшуносликка оид ўрта асрлар лингвистик назариялари, адаб илми назарияси бўйича тадқиқотлар олиб

³ أحمد الهاشمي. جواهر البلاغة في المعاني والبيان والبدیع. الطبعة الثانية عشرة. - بيروت: دار الإحياء التراث العربي، 1375هـ. - 428 ص.؛ علي الجارم ومصطفى أمين. البلاغة الواضحة، البيان والمعاني والبدیع ودليل البلاغة الواضحة. - القاهرة: دار قباء الحديثة، 2007. - 496 ص.؛ فضل حسن عباس. البلاغة - فنونها وأفانها: علم المعاني. - عمان: دار الفرقان، 1997. الطبعة الرابعة. - 616 ص.؛ فضل حسن عباس. البلاغة - فنونها وأفانها: علم البيان والبدیع. - عمان: دار الفرقان، 2007. الطبعة الحادية عشرة. - 419 ص.؛ عبد العزيز عتيق. علم المعاني. - بيروت: دار النهضة العربية، 1985. - 226 ص.؛ عبد العزيز عتيق. علم البيان. - بيروت: دار النهضة العربية، 986 م. - 226 ص.؛ عبد العزيز عتيق. علم البديع. - بيروت: دار النهضة العربية، 2015. - 248 ص.؛ شوقي ضيف. البلاغة: تطور وتاريخ. الطبعة التاسعة. - القاهرة: دار المعارف، 1995. - 383 ص.؛ بدوي طبانة. معجم البلاغة العربية في مجلدين. الطبعة الثالثة. - جدة: دار المنارة، 1988. - 781 ص.؛ محمد عبد المنعم خفاجي وعبد العزيز شرف. البلاغة العربية بين التقليد والتجديد. - بيروت: دار الجبل، 1992 م. - 191 ص.؛ بكرى شيخ أمين. البلاغة العربية في ثوبها الجديد. - بيروت. 1984 م. - 198 ص.؛ راجي الأسمر. البلاغة العربية الواضحة. - بيروت: المكتبة الثقافية، 1998. - 245 ص.

⁴ أبو يعقوب يوسف السكاكي. مفتاح العلوم \ تحقيق د. عبد الحميد الهنداوي؛ علي جارم ومصطفى أمين. البلاغة الواضحة. الأيام-المعاني-البديع. - القاهرة. 1999؛ حامد عوني. المنهج الواضح للبلاغة. الجزء الأول. - مصر: دار الكتاب العربي. 1953؛ صالح ساسه. المنجد في الإعراب والقواعد والبلاغة والعروض. - دار الرائد للطباعة والنشر؛ أحمد الهاشمي. جواهر البلاغة في المعاني والبيان والبدیع. - بيروت: دار الإحياء التراث العربي؛ محمد أحمد الحجار. الإفصاح عما تضمنه الإفصاح. من مباحث البيان. - القاهرة: دار الاتحاد العربي. 1973؛ Matlub A. Al-Kazwini wa- shuruh al-Talkhis. - Baghdad. 1387/1967. Encyclopedia of Arabic Literature. - Том II. - P. 440.;

⁵ Крачковский И.Ю. Ибн ал-Му'таз // Избранные сочинения. - Т. VI. - Москва-Ленинград: Изд. Академии наук СССР, 1960. - С. 97-333

⁶ Шидфар Б. Я. Образная система арабской классической литературы (VI-XII вв.). - Москва: Наука, 1974. - 256 с.; Фильштинский И.М. Арабская литература в средние века. - Москва: Гл.ред.вост.лит., 1977. - 290 с.; Куделин А.Б. Средневековая арабская поэтика (вторая половина VIII-XI века). - Москва: Наука, 1983. - 258 с.; Куделин А.Б. Концепция канона в средневековой арабской поэтике. Дисс... док. филол. наук. - Москва, 1984. - 386 с.; Куделин А.Б. Арабская литература: поэтика, стилистика, типология, взаимосвязи. - Москва: Языки славянской культуры, 2003. - 512 с.; Фролов Д.В. Арабская филология. Грамматика, стихосложение, корановедение. - Москва: Языки славянской культуры, 2006. - 440 с.; Фролов Д.В. Классический арабский стих. История и теория аруда. - Москва: Наука, 1991. - 359 с.

⁷ Хайбуллин И.Н. Стилистика арабского языка. - Москва: Сад, 2008. - 196 с.

⁸ Ғафуров А. Абдулқохир Чурчони - асосгузори улуми балоғи. // Ученые записки / Номаи донишгоҳ. № 3 (19). - Худжанд, 2019. - С. 22-30; Ғафарова У. Становление и развитие арабской риторики до XIV века. // Ученые записки / Номаи донишгоҳ. № 1/10. - С. 3-12.

бордилар. И.Абдуллаев, Н.Иброҳимов, З.Исломов, Э.Талабов, Т.Мухтаров, Ш.Шомусаров, Г.Тўйчиева, С.Рустамий, М.Зиёвутдинова, М.Тошқўзиева, Ў.Қориев, А.Қаҳҳоров, М.Ҳақимжонов, М.Саидумаров, М.Носирова, Г.Муталова, С.Қосимова ва бошқаларнинг тадқиқотлари соҳа ривожига катта ҳисса бўлиб кўшилди.

Бирок, маъоний илмининг лингвопоэтик ва психолингвистик хусусиятлари Қуръон асосида яхлит ҳолда тадқиқ этилмаган. Мазкур илмий муаммо ўз ечимини кутаётган долзарб масалалардан биридир.

Тадқиқотнинг диссертация бажарилган олий таълим муассасасининг илмий-тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги. Диссертация Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрациясининг 2019 йил 1 февралдаги 2178-хх рақамли топшириғи асосида Ўзбекистон халқаро ислом академияси илмий-тадқиқот ишлари режасининг “Мумтоз шарқ адабиёти ва манбашунослиги” мавзуси доирасида бажарилган.

Тадқиқотнинг мақсади Қуръонда “маъоний илми”нинг лингвопоэтик хусусиятларини очиб беришдан иборат.

Тадқиқотнинг вазифалари қуйидагилардан иборат:

ўрта асрлар адаб илми таснифида балоғат ва маъоний илмларининг ўрнини аниқлаш;

“Қуръон тили” ва унинг араб тилини ўрганишдаги аҳамиятини тадқиқ этиш;

ўрта асрлар поэтик илмлари тизимида ёзма мерос қолдирган олимлар рисоаларидаги маъоний илми мазмунини ёритиш;

ўрта асрлар олимларининг маъоний илмига берган таърифларини таҳлил қилиш ва замонавий тилшунослик нуқтаи назаридан унинг таърифини ишлаб чиқиш;

адаб илмлари таснифида маъоний илмининг семантикаси ва илмий дефинициясини асослаш;

маъоний илмида ҳабарий гап тури ва унинг оятларда қўлланилишини тадқиқ этиш;

иншо гаплар хусусиятларини аниқлаш ва Қуръон оятлари асосида унинг шаклланиш тартибини белгилаш;

“ийжоз”, “итноб” ва “мусова” тушунчаларини таърифлаш, уларни қўллаш шарт-шароитлари ва талабларини белгилаш.

Тадқиқотнинг объекти Қуръон тили ва унинг матнидаги маъоний илмига доир нутқ ходисаларидан иборат.

Тадқиқотнинг предметини Қуръон тили ва унинг матни асосидаги маъоний илмига доир лингвопоэтик ва психолингвистик қонуниятлар ташкил этади.

Тадқиқотнинг усуллари. Тадқиқотда қиёсий-тарихий, қиёсий-типологик, систем-структур, тавсифлаш каби усуллардан фойдаланилди.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги қуйидагилардан иборат:

маъоний илмининг илк кўринишлари араб матнлари, фольклори, мақол ва маталлари таркибида шаклланигани, Қуръони каримни ўрганиш асосида

маъоний илми ривожланиб, мукаммал лингвистик назария даражасига етгани, мазкур эволюцион жараён жоҳилия даври намуналаридан бўлган “القتل أنفى للقتل” – “Қатл қатлни рад этади” мақолининг кейинчалик Қуръон матнида (“لَكُمْ فِي” – “الْقِصَاصِ حَيَاةٌ” – “Сизлар учун қасосда ҳаёт бор” шаклида (“Бақара”, 179) маънолари кенг, жумласи ихчам тарзда қўллангани очиб берилган;

нутқ ва маънонинг лингвопоэтик ва психолингвистик алоқаларига оид лингвистик назариялар ўрта асрлар араб ва ўзбек тилшунос олимларининг асарларида IX-XIII асрлардаёқ, яъни Европа тилшунослигидан (XVII-XVIII) бир неча аср аввалроқ ислом илмлари классификациясига киритилгани ва Мовароуннаҳр лингвистик мактаби вакиллари томонидан тугалланган тарзда ишлаб берилгани исботланган;

Мовароуннаҳр олимлари маъоний илмининг илмий-назарий асосларини яратган бўлиб, Маҳмуд Замахшарий “маъоний илми” истилоҳини поэтик илмлар таркибига киритгани, Юсуф Саккокий эса маъоний илмини тизимга солиб, яхлит лингвопоэтик назарияга асос солгани, улар дунё тилшунослигида илк бор лингвопоэтик ва психолингвистик илмларни ўрганишни бошлаган олимлар эканлиги далилланган;

ўрта асрлардаёқ араб тилида яратилган шарқ лингвистик назарияларида тилнинг ижтимоий вазифасига доир қарашлар тизими шакллангани, улар нафақат ўз даври учун, балки бугунги кун учун ҳам илғор хулосалар мажмуидан иборатлиги ва замонавий лингвистик талаблар билан ўзаро мутаносиб эканлиги, уларда таъсирчан нуқт яратиш санъати ва маданияти, суҳбатдошга нутқ асосида таъсир этиш талаблари, лингвистик шарт-шароитларнинг тақозоси масалалари яхлит тизим сифатида ишлаб чиқилганлиги рисоалар қиёсий таҳлили асосида исботланган.

Тадқиқотнинг амалий натижалари қуйидагилардан иборат:

маъоний илмининг ислом цивилизацияси индикатори сифатида юзага келиш тарихи ва назариясини ўрганиш асосида “Араб тили кўшимча материалларидан фойдаланиш бўйича услубий қўлланма” ва “Наҳвда юзта омил” китоблари нашр қилинган ва таълим таъминоти такомиллаштирилган;

маъоний илмининг Қуръон тили ва унинг муқаддаслигини англаш асосида тараққий этгани, мазкур жараёнда араб филологиясининг буюк вакиллари Жоҳиз, Ибн Муътазз, Қудама бин Жаъфар, Абу Ҳилол Аскарӣ, Ибн Асир, Ибн Рашиқ Қайраваний, Абдулқоҳир Журжоний, Маҳмуд Замахшарий, Юсуф Саккокий каби олимларнинг мероси ва анъаналарининг салмоғи далилланган;

маъоний илмининг лингвопоэтик ва психолингвистик асослари, хусусан, фасоҳатнинг сўз танлаш ва гап тузишга оид талаблари, гапларнинг шароит тақозосига мос келиши, гапларда таъкид воситаларининг ишлатилиши шартлари, таъкид воситалари, буйруқни ифодалаш йўллари, гап (предикатив бирикма)нинг тингловчининг ҳолати, сўзловчининг мақсади, гап бошидаги сўзга кўра таснифи каби нормалар тадқиқи асосида ишланган назарий хулоса ва тавсиялар таълим мазмунини бойитган;

Мовароуннаҳр олимларининг маъоний илми асосчилари экани, маъоний

илми структураси ва ўрганадиган мавзуларига оид материаллар ўз ифодасини топган “Ўрта аср шарқ алломалари” энциклопедияси, шунингдек “Дурус-л-балоға” дарслиги араб тили тарихига оид мавжуд ўқув таъминотини такомиллаштиришга хизмат қилган.

Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги. Олинган натижаларнинг ишончлилиги мумтоз араб тили ривожига оид юртимиз, қатор хорижий мамлакатлар олимларининг фундаментал қарашлари ёритилгани, Шарқ ва Ғарб тилшунослигидаги назарий ёндашувлар таҳлил қилингани, маъоний илмига оид манбаларининг жалб қилингани, олинган илмий натижаларнинг тарихий фактлар ва ўрта аср қўлёзма, тошбосма асарларга асослангани, тадқиқот натижаларининг ваколатли ташкилотлар томонидан тасдиқлангани билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти. Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти Қуръонда маъоний илми, бадий тафаккур ривожига, ислом даври лингвистикасига оид назарий қарашлар соҳага оид илмий-тадқиқот ишлари мазмунини бойитишга, мавзуга оид тадқиқотларни жадаллаштиришга хизмат қилиши билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти диссертация хулосалари ва тавсияларидан ислом цивилизацияси тарихи, ислом манбашунослиги ва араб адабиёти бўйича дарслик ва ўқув қўлланмалар яратиш, маъруза ва семинар машғулотлари мазмунини такомиллаштиришда фойдаланиш мумкинлиги билан асосланади.

Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши. “Қуръонда “маъоний илми”нинг лингвопоэтик асослари” мавзуи бўйича тадқиқотнинг илмий натижалари асосида:

Мовароуннаҳр олимлари Маҳмуд Замахшарий ва Юсуф Саккокий маъоний илмининг асосчилари эканлиги ва яхлит лингвистик назария яратганликлари, улар дунё тилшунослигида илк бор лингвопоэтик ва психолингвистик илмларни ўрганишни бошлаган олимлар эканлигига оид маълумотлардан Имом Бухорий халқаро илмий-тадқиқот марказида тайёрланган “Ўрта аср шарқ алломалари” энциклопедиясида фойдаланилган (Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Имом Бухорий номидаги халқаро илмий-тадқиқот марказининг 2020 йил 7 февралдаги 02/46-сон маълумотномаси). Натижада мазкур маълумотлар юртимизда ислом цивилизацияси ривожига оид янги хулоса ва қарашлар асосида буюк ўтмишимизнинг ҳақиқий тарихини яратишга хизмат қилган;

ўрта аср тилшунос олимларининг маъоний илмига доир қарашлари, Мовароуннаҳрда IX-XIII асрлардаёқ ўзига хос лингвистик назариялар яратилганлиги борасидаги хулосалар буюртма асосидаги “Наҳвда юзта омил” китобида акс эттирилган ҳамда Ўзбекистон мусулмонлари идораси тасарруфидаги Тошкент ислом институти талабалари учун “Дурус-л-балоға” дарслиги мазмунига сингдирилган (Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Дин ишлари бўйича қўмитанинг 2020 йил 4 июндаги 3136-сон маълумотномаси). Натижада ўқув таъминоти мазмуни янги

қарашлар, тарихий фактлар ва асарлар билан бойитилган, ёшларда ўз аждодлари ҳаёти ва меросидан ғурур ва фахр ҳиссини турғун шакллантиришга эришилган;

Қуръон тили тушунчаси, унинг араб ва мусулмон мамлакатларида қойилган тил мавқеида қўлланилгани, маъоний илмида лафз ва маъно уйғунлигига доир маълумотлар Имом Бухорий номли Тошкент ислом институтида буюртма асосида “Балоғат илми” фанидан атамалар қомусини яратишда фойдаланилган (Ўзбекистон мусулмонлари идорасининг 2020 йил 11 июндаги 1314-сон маълумотномаси). Натижада маъоний илмига доир истилоҳлар атамалар қомусига киритилган;

маъоний илмининг ўрта асрлар лингвопоэтик ва психолингвистик илмлар мажмуи эканлигига оид хулосалар Ўзбекистон ислом цивилизацияси маркази томонидан тайёрланган “Ислом цивилизацияси” қомусий луғати мазмунига сингдирилган. (Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Ўзбекистондаги ислом цивилизацияси марказининг 2020 йил 11 июндаги 185/20-сон маълумотномаси). Натижада соҳа мутахассисларининг маъоний илми бўйича маълумотлари шакллантирилиб, билимларининг ошишига хизмат қилган.

Тадқиқот натижаларининг апробацияси. Тадқиқот натижалари 17 та илмий-амалий конференцияларда, жумладан, 3 та халқаро анжуманда муҳокамадан ўтказилган.

Тадқиқот натижаларининг эълон қилинганлиги. Диссертация мавзуси бўйича умумий 33 та нашр, жумладан, халқаро журналларда 2 та мақола (Испания, Польша), Олий аттестация комиссиясининг диссертациялар асосий илмий натижаларини чоп этиш тавсия этилган илмий нашрларда 8 та мақола чоп этилган.

Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми. Диссертация таркиби кириш, урта боб, хулоса, фойдаланилган адабиётлар рўйхати, иловалардан иборат бўлиб, ишнинг умумий ҳажми 149 саҳифани ташкил қилади.

ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Диссертациянинг **Кириш** қисмида тадқиқот мавзусининг долзарблиги ва зарурлиги, тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига боғлиқлиги, тадқиқ этилаётган муаммонинг ўрганилганлик даражаси, диссертация мавзусининг диссертация бажарилаётган олий таълим муассасасининг илмий тадқиқот ишлари билан боғлиқлиги, тадқиқотнинг мақсад ва вазифалари, объекти ва предмети, усуллари, тадқиқотнинг илмий янгилиги ва амалий натижаси, тадқиқот натижаларининг ишончлилиги, илмий ва амалий аҳамияти, жорий қилиниши, апробацияси, натижаларининг эълон қилингани ҳамда диссертациянинг ҳажми ва тузилишига доир маълумотлар берилган.

Диссертациянинг **“Ўрта асрларда адаб илми ва лингвопоэтик тафаккур ривожининг илмий-назарий асослари”** деб номланган биринчи бобида ўрта асрлар филологик илмлар таркибида балоғат ва маъоний илми таснифи, “Қуръон тили” атамаси мазмуни, маъоний илмига берилган таърифлар масалалари ўрганилган.

Ислом оламида бир қатор филологик илмларнинг вужудга келишида диний эътиқод катализатор ролини ўйнаган. Қуръон ва унинг мазмунини аниқ ва тўғри англаш зарурати араб тилига бўлган илмий эътиборни кучайтирган. Қуръон ўзининг рамзий, лўнда, жозибали, сеҳрли ва қатъий услуби, тил хусусиятлари билан араб ва мусулмон Шарқи халқлари ёзма адабиётларига сезиларли таъсир кўрсатган⁹. Араб филологлари Қуръон тил услубининг ўзига хослигини – “I‘jāzu-l-Qur‘ān” – “Қуръон мўъжизаси” деб атаганлар.

Қуръонда “Arabiyy” сўзи “Qur‘ān”, “lisān”, “hukm” сўзлари билан бириккан ҳолда 10 та суранинг 11 та оятида “араб тили” маъносини ифодалаб келган, “lisān” сўзи эса 11 та суранинг 14 та оятида “сўзлашадиган тил” ва “анатомик аъзо” маъносини ифодалаган.

Тилга муносабат, хусусан, Қуръон матни асосида араб тили хусусиятларини ўрганиш бир қатор тамойиллар назарий парадигма сифатида эътироф этилганини кўрсатади, улар: тил мулоқот ва ахборот узатиш воситаси; тилдан фойдаланиш қоидаларини билиш инсон комиллиги белгиси, яъни шахс ижтимоий мавқеини белгиловчи индикатор экани; тил шаклга эгаллиги, шаклнинг вазифаси эса маънони ифода этишдан иборат экани; маъно шаклни танлаши; тилни чиройли қилиш тил қоидаларига риоя қилиш асосида бўлиши; тил мулоқот воситаси сифатида сўзловчи, нутқ йўналтирилган шахс ва улар ўртасидаги психолингвистик боғлиқлик натижаси экани; шахс тафаккури ва ҳиссиётларини ифода этишда тилнинг лингвопоэтик ўзига хос қонуниятлари ишлаши кабилардан иборат.

Ўрта аср олимлари наздида ҳар қандай сўз маълум шаклга эгаллиги, шакл эса маънога, маъно ўз ўрнида нутқни ифодалашга хизмат қилиши, ҳар қандай нутқ таъсирли, ўринли ва кўзланган мақсад учун хизмат қилиши зарурдир. Диний мавзуларда сўзамол бўлиш санъати гомилетика деб аталган. Бугунги кунга келиб, Қуръон гомилетикаси атамаси фаол қўлланилмоқда¹⁰. Гомилетика диний-руҳий ва диний-маънавий нутқ ярата олиш ва сўзлаш, яъни теологик нотиклик санъатидир.

Араб адабиёти, хусусан, поэзияси араб тилининг узоқ тарихий давр ўз хусусий шаклланиш эволюцияси ва генезиси бўлганини намоён этади. Олимлар фикрига кўра, Муҳаммад (с.а.в.) даврига келиб, араб тили генезисида унинг шарқий (“тамим” тили) ва ғарбий (“ҳижоз” тили) вариациялари ажратилган. Уларнинг кесишган ҳудуди Нажда атрофида бўлган¹¹. Шу нуқтаи назардан, Қуръон тили поэтик койне (умумий тил) ҳодисасининг ёрқин мисолидир.

Тил орқали фикрни ифодалаш усулларини ўрганишга оид махсус фанлар тизими Шарқда “адаб илмлари”, Ғарбда “филологик фанлар” деб аталган. Ўрта асрларда адаб илмлари тизимидаги маъоний, шунингдек, баён, бадиъ илмлари

⁹ Кароматов Ҳ.С. Ўзбек адабиётида Қуръон мавзулари. Филол.фан.докт... дисс. – Тошкент, 1993. – Б. 3,15.

¹⁰ Ваджибов М.Д. Исламский компонент в преподавании риторики студентам-гуманитариям // Наука. Мысль. 2016. – № 6-1. – С. 34-45; Риторика и культура речи в современном научно-педагогическом процессе и общественно-коммуникативной практике. Сборник материалов XXI Международной научной конференции по риторике. 1–3 февраля 2017 года. – Москва, 2017. – 584 с.

¹¹ Мухтаров Т.А., Муталова Г. “Айям ал-араб” (“Дни арабов”) – предания и легенды арабов до ислама //ТИУ Илмий-таҳлилий ахборот. – Ташкент, 2010. – № 2. – С. 32-35;

балоғат илмини ташкил қилган¹². Араб-мусулмон цивилизацияси замирида филологик илмлар, хусусан, сўз, гап, нутқ ва фикрни ифодалашнинг лингвопоэтик ва психолингвистик омиллари билан боғлиқ бўлган фанлардан: лингвистика, поэтика, риторика, ораторлик, стилистика ўз даврининг эталони сифатида шаклланган¹³. Адаб илми тилшунослик ва адабиётшуносликка оид илмларни яхлитликда ўрганган. Тадқиқотда адаб илми, унинг таркибий қисмлари қуйидагича белгиланди (1-расм):



1-расм. Адаб илми ва унинг таркибий қисмлари

Ўрта асрларда араб адабиётида поэтик тафаккурни ўрганиш Жоҳизнинг “*Kitābu-l-bayān va-t-tabuyīn*” асаридан бошланади. Унда балоғат илмига оид дастлабки мулоҳазалар келтирилади. Ибн Муътазнинг “*Kitābu-l-badī*” асари балоғат илми таркибида бадий илмини мустақил соҳага айлантиради. Қудам бин Жаъфар “*Naqdu-sh-shi‘r*”да бадий санъатларни тадрижийлик асосида белгилаган. Кейинроқ Абу Ҳилол Аскарӣ бадий санъат турларини 35 тага етказган. Ибн Рашиқ Қайравонӣ “*Kitābu-l-‘umda fī šinā‘ati-sh-shi‘r va naqdihi*” асарида ўзи яшаган давргача бўлган балоғат илмига оид барча олимлар ва асарлар таҳлилини берган. Саид ибн Сунон Хаффажийнинг “*Kitābu sirri-l-faṣāḥa*” асарида фасоҳат ва балоғат орасидаги фарқлар белгиланган. Балоғат илми масалалари билан Фаҳриддин Розӣ ҳам шуғулланган.

Маъоний илми ривожда Абдулқоҳир Журжонийнинг “*Dalā’ilu-l-‘i-jāz*” асари алоҳида бурилиш ясади, чунки унғача маъоний илмининг мавзулари алоҳида ишлаб чиқилмаган эди. Олим грамматика ва мантиқ масалаларини тадқиқ қиладиган тармоққа асос солган ҳамда бу тармоқ балоғат илмининг таркибий қисмларидан бирига айланган. Абдулқоҳир Журжоний “лафз” ва “маъно” тушунчалари ўзаро боғлиқ ва маълум лингвистик тартиб билан боғланадиган икки тушунча деб қарайди. У араб “нотиклик илми”нинг моҳиятига “нутқнинг маълум белгилар воситасида маъно (кўзланган мақсад)га ҳар томонлама мос келиши ёки гапнинг вазият ифодалашини зарур бўлган шароит

¹² Рустамий С. Ўрта асрлар ислом балоғат илмида тилшуносликка оид қарашлар. Филол. фан. докт. (DSc) ... дисс. автореф. – Тошкент. 2018. – Б. 5.

¹³ Ислам. Энциклопедический словарь. – Москва: Наука, 1991. – С. 3.

тақозосига мос бўлиши (muṭābaqa), маънолар йиғиндиси (ma‘āniy)дир” деган қисқа, лўнда ва аниқ формула беради.

Диссертациянинг “**Ўрта асрлардаги адаб илми таснифида маъоний илми ва унинг семантикаси**” номли иккинчи бобида ўрта асрлардаги маъоний илмига оид рисолалар таснифи, “маъоний илми” семантикаси ва дефиницияси масалалари таҳлил қилинган.

Маъоний илми арабча “معنى (معان)” – ma‘nan (ma‘ānin)” сўзи билан боғлиқ. Бу сўзнинг луғавий маъноси – “маъно, тушунча, ғоя” мазмунини, истилоҳда эса, علم المعاني (‘ilmu-l-ma‘āniy) – маънолар илми, яъни гапнинг шароит тақозосига тўғри келишини ўрганадиган илм сифатида таърифланади. Мазкур термин Абдулқоҳир Журжонийгача мустақил ва илмий урғу берилган ҳолда қўлланилмаган. Аввалги олимлар “ma‘āni-l-Qur‘ān”, “ma‘āni-sh-shi‘r” атамаларини ишлатиб, уни “маъоний илми” билан боғламаган¹⁴. Абдулқоҳир Журжоний эса “назм” илми деб атаган ва балоғат илмининг бир қисми сифатида қараган. Юсуф Саккокий уни “маъоний илми” атамаси билан номлаган. Адаб илмлари таркибида унинг мавжудлигини илк бор қайд этган олим Абдулқоҳир Журжоний бўлиб, у илмбошидир. Маҳмуд Замахшарий “маъоний илми” иборасини илмий термин сифатида илк бор қўллаган. Бироқ “маъоний илми” истилоҳининг отаси, уни адаб илмлари ичида таснифлаган, барча категориялари ва лингвистик параметрларини илк бор тўлиқ ишлаб чиққан олим ҳамюртимиз Юсуф Саккокийдир¹⁵.

Абдулқоҳир Журжоний маъоний илми тўғрисида қуйидаги таърифни келтиради: “Гапни “наҳв илми” қоидаларига амал қилиб, ишлаб чиқилган режани бузмай шароит тавозосига мос қўйишинг билан “назм” юзага келади. Яъни назм наҳв маъноларини ифодалайди”. Юсуф Саккокий эса: “Шароит тақозосига мос гап тузишда бирор хатога йўл қўймаслик учун гап тузилиши хусусиятлари ва нутқни яхшилаш билан боғлиқ мавзуларни ўрганадиган фан маъоний илми дейилади”, деб таъриф беради. Бу икки таъриф ўзаро солиштирилса, Абдулқоҳир Журжоний бу илмни “назм” деб, Юсуф Саккокий эса “маъоний” деб номлагани маълум бўлади.

Маҳмуд Замахшарий “Kashshāf” асарида Қуръонни тўлиқ лингвистик тафсир қилди. Асарда Қуръон оятлари бошқа тафсирлардан бутунлай фарқли йўналишда, балоғат илми талабларига биноан энг нозик ва ҳис қилиш қийин бўлган қирраларигача назарга олиниб шарҳланган. У маъоний ва баён илмлари чегараларини аниқ белгилаб, Қуръон оятлари билан асослади. Бадиъ илмини эса балоғат илмининг учинчи таркибий қисми эканини эътироф этди.


Маъоний илмининг мукамал илм даражасига етишида мовароуннаҳрлик Юсуф Саккокийнинг хизмати беқиёсдир. Академик И.Ю.Крачковский таъбири билан айтганда, балоғат илми камолига етишида энг сўнгги нуқта Юсуф Саккокийнинг “Miftāḥu-l-‘ulūm” асарида қўйилган¹⁶. Кейин ижод қилган олимлар мавжуд қонун-қоидаларни турли услуб ва мисоллар билан баён

¹⁴ أحمد المطلوب. أساليب بلاغية: الفصاحة – البلاغة – المعاني. – الكويت: وكالة المطبوعات. الطبعة الأولى. 1980. – ص. 67.
¹⁵ أحمد المطلوب. معجم المصطلحات البلاغية وتطورها. – العراق. 1987. الجزء 3. – ص. 276-280.

¹⁶ Крачковский И.Ю. Избранные сочинения. – Москва-Ленинград: Наука, 1960. – Т. VI. – С. 174.

этишди. Юсуф Саккокийгача бу илм бадий санъат турлари сифатида шаклланган бўлса, олим маъоний илмини қисқа, лўнда, аниқ, тизимли, махсус тақсим ва кичик бобларга ажратиб, ўз асарида батафсил ёритиб берди.

Диссертациянинг “**Маъоний илми ва унинг лингвостилистик асослари**” деб номланган учинчи бобида маъоний илмининг амалий жиҳатлари, яъни гапларнинг хабар ва иншо турларига тақсимланиши ва фикр ифодалаш йўллари ўрганилган (2-расм):



2-расм. Маъоний илми таркибига киритилган мавзулар

Маъоний илми нутқ шароити тақозосидан келиб чиқиб, қатор мавзуларни қамраб олади. Уларни қуйидагича таснифлаш мумкин: *гапларнинг хабарий ва иншоий турлари*; *хабарий гапларнинг сўзловчининг мақсадига кўра кўринишлари*: *فائدة الخبر* – тингловчи учун янгилик, *لازم الفائدة* – сўзловчи гап мазмунидан хабардор эканини билдирадиган гап, *гапнинг тингловчи ҳолатига қараб ўзгариши*: ибтидоий – тингловчи етказилаётган гапдан беҳабар эканини ифодаловчи нейтрал гап, талабий – тингловчи гап мазмунига шубҳаланаётганда ишлатиладиган гап, инкорий – тингловчи гап мазмунидан хабардор бўлиб, уни қатъий рад этаётганда ишлатиладиган гап; *хабарий гапларнинг бошланишига қараб тақсимланиши*: исмий ва феълий жумлалар; *иншоий гаплар ва уларнинг турлари*: 1. Иншо талабий гаплар – буйруқ гаплар, тақикни ифодаладиган гаплар, сўроқ гаплар, ундалма, орзу-истакни ифодаловчи гаплар. 2. Иншо ғайри талабий гаплар – мактов ва танбех, қасам, таажжуб, ўтинч ва келишув маъноларини ифодаловчи гаплар; *гап бўлақларини қўллашдаги фарқлар*: муснад илайҳи – жумлада эганинг ишлатилиши ва уни гап таркибида келтирмаслик шартлари: а) гап таркибига феъл қўшилса, тушиб қолган эганинг кўриниши: *أهلا جئت أهلا و نزلت مكانا سهلا* – “Хуш келибсиз!” иборасига феълни қўшсак, шаклини олади ва феъл таркибида эга ифодаланади; б) феъл қўшилганида ҳам тушириб қолдирилган эганинг кўринмаслиги: қуйидаги *يُعطى ويُمنع* – “Берилади ва ман қилинади”, деб таржима қилинадиган гап *يُعطى من يشاء و يُمنع من يشاء* кўринишига, яъни “кимга хоҳласа берилади ва ким учун хоҳласа ман қилинади” шаклига ўтганида ҳам, эга мавжуд эмас; *муснад илайҳи аниқ ҳолатда ишлатилиши шартлари*: а) олмош билан ифодаланган бўлса; б) “сен” деб хитоб қилинаётган бўлса; в) эгага *الله تبارك و تعالی* шаклида қисқа таъриф берилаётган бўлса; г) контекстга қараб аниқ ҳолат талаб қилинса; муснад илайҳининг атоқли от, кўрсатиш олмошлари, нисбий олмош, *ال* – аниқлик артикли ва ундов сўзлари билан аниқ ҳолатда ифодаланиши, шунингдек, изофа таркибида келиши шартлари; *муснад илайҳининг ноаниқ ҳолатда ишлатилиши сабаблари*; *муснад илайҳининг кесимдан олдин қўлланиши сабаблари*; *муснад (кесим)нинг ишлатилиши ва тушириб қолдириши шартлари*; *муснаднинг аниқ ёки ноаниқ ҳолатларда ўзгариш сабаблари*; *муснаднинг муснад илайҳидан кейин келиши ёки ундан олдинга ўтиши шартлари*; *итлоқ* (умумлаштириш) ва *тақйид* (қайд этиш)нинг ифодалаш йўллари; *феъл билан боғланадиган гап бўлақлари*: ҳолат, ўрин ва пайт ҳоллари, мафбул (тўлдирувчи)лар ва ҳолнинг қолган турлари, уларнинг гапдаги ўринлари ва маъно ўзгаришига таъсири; *қаср* (чеклаш) ва уни ифодалаш йўллари; *васл* (ва боғловчиси билан қўлланадиган боғловчили гап) ва *фасл* (балогий услубларда баъзан боғланиб, баъзан ажратиб келадиган гап); *фикрни ифодалаш йўллари* – ийжоз (қисқа ва лўнда гап), итноб (узун гап), мусова (сўз ва маънонинг тенглиги) ҳамда уларнинг турлари ва ифодалаб келадиган маънолари.

Воқелик тил орқали тўғри, ёки нотўғри акс эттирилиб, “ростми?” деган саволни туғдириши мумкин бўлган гаплар хабарий гаплар, деб аталади. Хабарий гап ўзбек тилидаги дарак гапга тенг келади:

جاء أهل المدينة يستبشرون. (س.الحجر. 67)

Шаҳар аҳолиси (меҳмонларни эшитиб) хурсанд бўлган ҳолларида келдилар.

Реал воқеликни эмас, балки ҳар қандай воқеликка бўлган маълум бир муносабатни англатадиган гаплар иншоий гаплар дейилади¹⁷:

هَلْ يَسْتَوِي الَّذِينَ يَخْلَمُونَ وَالَّذِينَ لَا يَخْلَمُونَ؟ (س. زمر. 9)

Биладиганлар билан билмайдиганлар тенг бўлурми?

Бу таъриф ўзбек тилшунослигидаги “модаллик” тушунчасига тўғри келади. Чунки модалликда гапнинг воқеликка муносабати ҳисобга олинади¹⁸.

Маъоний илмида модаллик хусусиятлари “istifhām” (сўроқ), “amr” (буйруқ), “nahiy” (тақиқ), “nidā” (ундов), “tamanniy” (тилак) кабиларни билдирувчи махсус сўз ва иборалар орқали ифодаланади.

ХУЛОСА

1. Ўзбекистонда амалга оширилаётган ижтимоий-маънавий ислоҳотлар жараёнининг бугунги янгиланиш босқичида алоҳида эътибор ислом цивилизациясининг марказларидан бири бўлган Мовароуннаҳр тамаддунига, ислом маданияти ривожига бизнинг худудимиз олимларининг фикр, ҳадис, тарих, табиий фанлар, тасаввуф ривожига қўшган ҳиссаси, алломалар илмий меросини ўрганиш ва улар меросини цивилизация нуқтаи назардан баҳолашга қаратилмоқда. Шу қаторда тилшунослик ва поэтикага оид қарашларни тизимлаштириш, уларнинг тараққиёти тарихини ҳолис баҳолаш, ислом даври лингвистик қарашларининг жаҳон илм-фани ривожига тутган ўрни ва аҳамиятини намоён этиш стратегик аҳамиятга молик вазифалардандир.

2. Ислום уйғониш даври поэтик илмлари ўз даврининг илмлар классификаторига киритилган бўлиб, адаб илмлари сифатида баҳоланган ва унинг мустақил йўналишларидан бирига айланган. Адаб илмларининг юзага келиши ва ривожига эса ислом дини муқаддас ёзма манбалари, хусусан, Қуръони карим матни билан боғлиқ филологик илмлар ривож топган. Балоғат илми ва унинг таркибида маъоний илми IX-XIII асрларда юзага келган.

3. Адаб илми ўз ичига ўрта асрлар лингвистик назариялари, поэтикаси, шеършуносликка оид илмлар, адабиёт тарихи ва нутқнинг лингвопоэтик ва психолингвистик омилларига оид қарашларни қамраб олди ҳамда мана шу мумтоз даврнинг поэтик қарашлари мажмуига тенг келди. Филологик илмлар таркибида сўз, гап, нутқ ва фикрни ифодалаш билан боғлиқ бўлган тилшунослик, адабиётшунослик, риторика, ораторлик (нотиқлик), стилистика кабилар шаклланиб, кенг ривожланди, махсус рисоалар яратилди ва араб тилини тадқиқ қилиш бўйича илмий мактаблар шаклланди. Бош омил сифатида айнан ислом эътиқоди, ислом динининг муқаддас манбалари муҳим аҳамият касб этди. Мумтоз араб филологияси таркибидаги илмлардан: балоғат, маъоний, баён, бадиъ, аруз, қофия илми кабилар ислом

¹⁷ أحمد الهاشمي. جواهر البلاغة في المعاني والبيان والبدیع. - بيروت: دار التراث العربي، 1375 هـ. - ص. 53-54؛ يوسف السكاكي. مفتاح العلوم. - بيروت. 1987. - ص. 164-166؛ علي جارم ومصطفى أمين. البلاغة الواضحة، البيان والمعاني والبدیع. - القاهرة. 2007. - ص. 235-248؛ راجي الأسمر. البلاغة العربية الواضحة. - بيروت. 1998. - ص. 78؛ عبد العزيز عتيق. علم المعاني. - بيروت. 1985. - ص. 43؛

¹⁸ Турсунов У., Мухторов А, Абдуллаев Ш. Ҳозирги ўзбек адабий тили. - Тошкент: Ўзбекистон, 1992. - Б. 370; Шоабдурахмонов Ш., Асқарова М., Хожиев А, Расулов И., Дониёров Х. Ҳозирги ўзбек адабий тили. - Тошкент: Ўқитувчи, 1980. - Б. 380, 438.

цивилизациясига дахлдор фан тармоқлари сифатида ўзини намоён этди ҳамда ўрта асрлар Уйғониш даврининг илмий-назарий индикаторларидан бирига айланди.

4. Қуръон – араб ёзма адабиётининг энг мўътабар манбасига, Қуръон тили эса – бадий тилнинг поэтик эталонига айланди. Араб филологлари ортидан мусулмон шарқи мамлакатларида “I‘jāzu-l-Qur’ān”, яъни “Қуръон мўъжизаси” атамаси кенг тарқалди. Қуръон араб ва Шарқ халқлари адабиётлари тарихида гомилетик аҳамиятга эга бўлган муқаддас матнга айланди. Мазкур даврдаги филологик илмларнинг аксарияти Қуръон тилини ўрганиш асосида вужудга келди. Абдулқохир Журжоний араб тилининг муқаддас вазифаси мавжудлиги ва бу вазифа Аллоҳнинг Каломига хизмат этишдан иборатлиги борасида сўзлади. Тарихийлик ва объективлик нуқтаи назаридан араб тили илоҳий тил вазифасини ўтай бошлади. Шу тариқа, Қуръон тилини ўрганиш араб тилининг лингвистик қонуниятларини ўрганишни англата бошлади. Қуръон тили араб маданияти ва Шарқ халқлари тарихида койне тил вазифасини ўтади ва мазкур мавқени ўзига қабул этди. Қуръон тилини назарий англаш асосида балоғат илми ва маъоний илми ривожланди.

